

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ ВА БОЖХОНА ОРГАНЛАРИНИНГ КОНТРАБАНДА ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШДАГИ ЎРНИ

Суюнов Шахзод Шовкат ўғли

Ички ишлар вазирлиги Академияси “Тергов фаолияти” кафедраси ўқитувчиси

Юлдашев Шохрух Хамид ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 3-курс курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8019661>

Аннотация: Мақолада жиноят процессида контрабанда жинояти бўйича терговга қадар текширувнинг айрим масалалари ҳамда божхона хизмати органларининг контрабанда жиноятига қарши кураш борасидаги фаолиятининг долзарб муаммолари ҳақида сўз юритилади ва тегишли таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Жиноят процесси, контрабанда жинояти, терговга қадар текширув, божхона органлари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев “Ўтган давр мобайнида Конституциямизда муҳрлаб қўйилган тамойил ва қоидалар негизда юртимизда миллий қонунчилик тизими барпо этилди. Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий салоҳияти юксалишига, ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилган самарали ислохотларга асос бўлди. Фуқароларимиз ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда ҳам Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканини алоҳида таъкидлаш жоиз” дея таъкидлаб ўтди[1]. Дарҳақиқат, давлатимизнинг Асосий Қонуни юртимизда яшаётган барча инсонлар учун муҳим манба ҳисобланиб, ҳозирги замон ҳуқуқий талабларига тўла мос келади. Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Шу аснода, демократик жамият ва ҳуқуқий давлат қуриш Ўзбекистон Республикасида халқаро ҳуқуқ нормаларига оид ва халқимизнинг бой тарихий меросларини, урфодатларини ҳисобга олиш асосида амалга оширилаётган асосий мақсад бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрда қабул қилинган “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни жиноят процессида терговга қадар текширув институтининг мустақил процессуал институт сифатида мақомини мустаҳкамлади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши билан суриштирув ва дастлабки тергов билан биргаликда терговга қадар текширув ҳам аввалгига нисбатан бирмунча мукамал тартибга солинди. Унга кўра, терговга қадар текширув институти тушунчаси, уни амалга оширувчи субъектлар доираси, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи субъектларнинг ваколатлари белгиланди. Бироқ тергов амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, терговга қадар текширувдаги баъзи камчиликлар жиноят ишини асоссиз равишда қўзғатиш ёки қонун бузилиши ҳолатларини келтириб чиқармоқда. Бу

эса жиноят процессининг ушбу босқичини такомиллаштириш зарурати мавжуд эканлигидан далолат беради.

Қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш” Концепцияси тасдиқланди. Мазкур Концепцияда ушбу соҳада такомиллаштириш талаб этиладиган бир қатор камчиликлар баён қилиниб, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимида фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, жиноят ишлари буйича судгача ва суд жараёнида қонунийликни таъминлашга тўсқинлик қилувчи ҳуқуқий бўшлиқларнинг мавжудлиги қайд этилди. Юқорида қайд этилганлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, жиноят процессуал ҳуқуқида амалга оширилаётган ислохотлар баробарида жиноят процессининг терговга қадар текширув босқичида мавжуд бўшлиқларни тўлдириш, шунингдек божхона соҳасида учрайдиган жиноятларнинг олдини олиш ҳамда шу орқали амалдаги қонунчиликни такомиллаштириб тергов амалиётидаги муаммоларни бартараф этиш нуқтаи назаридан мазкур тадқиқот мавзуси долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунё жамияти томонидан трансмиллий жиноят деб эътироф этилаётган контрабанда билан шуғулланувчи уюшган гуруҳларни фош қилиш, жиноят содир этилишининг олдини олиш, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш долзарб масалалардан бири бўлиб, бу борада барча давлат органлари томонидан қатъий чоралар кўриб келинмоқда. Шу жумладан, божхона органлари ҳам жиноятчиликка қарши курашиш, товар-моддий бойликларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши, контрабанда ва божхона қоидаларини бузилишига қарши курашиш жараёнига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг нафақат иқтисодий, балки жамоат хавфсизлигига ҳам таҳдид қилаётган жиноятлардан бири контрабанда жиноятидир. Контрабанда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши қаратилган жиноятларнинг марказий бўғинларидан бири ҳисобланади. Контрабанда жиноятини фош этиш, жиноятчиларни топиш ва уларга муносиб жазолар берилишини таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органи ҳодимлари муайян кўникма ва малакаларини мунтазам ошириб бормоқдалар.

Кейинги пайтларда божхона чугаралари орқали контрабанда ашёларини турли усулларида фойдаланиб божхона назоратидан яширинча олиб ўтишга уринишлар аниқланмоқда ва ушбу мақсадда бегуноҳ инсонлардан фойдаланилмоқда.

Контрабанда ашёсини ташувчи бегуноҳ инсонларни уч тоифага ажратиш мумкин:

биринчи тоифадаги шахслар – контрабанда ашёси олиб ўтиб кетаётганлигини билмайди, ҳеч нарсани яширмайди, шу боис уларда безовта бўлиш учун сабаб бўлмайди;

иккинчи тоифадаги шахслар – ташувчи эканликларини билади, бироқ айнан нима олиб кетаётганини ва ушбу товарни чегарадан олиб ўтиш тақиқланганлигини билмайди;

учинчи тоифадаги шахслар – бу иш қонунга ҳилоф эканлигини била туриб қасддан жиноят содир этишади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари олдига божхона чегарасида божхона назорати самарадорлигини янада

ошириш, товарларни ноқонуний равишда олиб ўтилиши, биринчи навбатда, гиёҳвандлик воситалари, қурол-яроғ, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларнинг олиб ўтилишини олдини олиш каби ўта масъулиятли вазифани кўндаланг қилиб қўймоқда. [3].

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётган ушбу кунларда, божхона органлари ҳам мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, давлат бюджетини тўлдириш, ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш, товар-моддий бойликларнинг божхона чегараси орқали ноқонуний олиб ўтилиши ва контрабандага қарши курашиш борасида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Ҳар қандай жамият ўзига хос ривожланиш йўлини танлар экан, олдида муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат, халқ ва миллат тараққиёти ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг узвий бирлиги асосида амалга ошади. Инсон ҳеч қачон ташқи дунёдан, ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, рўй бераётган ҳодисалар, воқеа жараёнлардан ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда уларнинг таъсирисиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолиятида содир бўлган турли мазмундаги ҳодиса ва жараёнлар, айниқса ғоявий ҳамда мафкуравий омиллар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир этади.

Контрабанда – латинча “contra” – “қарши”, “bando” – “ҳукумат фармони” сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “Ҳукумат фармонига қарши”, деган маънони англатади.

Қонун чиқарувчи қуйидаги ижтимоий хавфли қилмишни контрабанда жинояти сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 246-моддасида контрабанда жинояти учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, контрабанда деганда божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларга ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йули билан фойдаланиб, декларациясиз ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, кучли таъсир қилувчи, заҳарли, заҳарловчи, портловчи моддалар, радиоактив материаллар, портлатиш қурилмалари, қурол-яроғ, ўқотар қурол ёки ўқ-дориларни, шунингдек, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастликни тарғиб қилувчи материалларни Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтказиш тушунилади. Илмий адабиётларда, контрабанда тушунчасига берилган турлича таърифлар учрайди. Хусусан, контрабандага қарши кураш муаммоларининг таниқли тадқиқотчиси проф. Ю.И.Сучковнинг фикрича, эркин муомалада бўлган товарлар ва бошқа предметларни божхона чегарасидан ғайриқонуний олиб ўтишнигина контрабанда деб ҳисоблаш ўринли эканлигига тўхтаб ўтган [4].

Шунингдек, С.А.Сирма ҳам у иқтисодий контрабанда, одамлар контрабандаси, муомаладан чиқарилган ёки муомалада бўлиши чекланган предметларни ғайриқонуний олиб ўтишни ажратиш лозим деб ҳисоблайди [5].

А.И.Чучаев ва С.Ю.Иванова божхона жиноятларини алоҳида гуруҳга ажратиш билан бир қаторда, уларнинг турдош объекти бир эканлигига асосланган ҳолда, божхона жинояти тушунчасига таъриф берадилар. Уларнинг фикрича, контрабанда божхона

жинояти сифатида “божхонанинг товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегарасидан белгиланган қоидаларга мувофиқ ўтказишни таъминлаш борасидаги фаолияти”га тажовуз қилади [6]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрда “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сонли ҳамда 2022 йил 28 январда “2022 — 2026 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ “ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ” ТЎҒРИСИДА” ги ПФ-60-сонли, шунингдек 2018 йил 14 майда “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари [7] шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда жадал суръатлар билан олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликнинг либерралашуви ҳамда жиний-ижтимоий муносабатларда демократик институтларнинг барқарорлашувига олиб келмоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг мазкур жиноятга қарши курашишда бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида фаолият олиб борадилар.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 18-сон Қарори [8], 2017 йил 6 сентябрдаги “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-442-сонли, 2012 йил 25 декабрдаги “Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари [9], 2018 йил 4 июлдаги Давлат божхона қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларида терговга қадар текширувни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 455-сонли йўриқномаси ва бошқа қонун ҳужжатлари қабул қилиниб амалиётда кенг фойдаланилиб келинмоқда.

Хусусан, “Тараққиёт стратегияси”нинг иккинчи устувор йуналиши мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июнда “Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6005-сонли Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришда ХМҚО ходимлари контрабанда ашёларини божхона чегарасидан олиб ўтилишига қарши курашиш орқали ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Тезкор-қидирув фаолияти махсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидирув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият туридир.

Тезкор қидирув фаолият тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириши белгилаб қўйилган. Божхона органларининг тезкор-қидирув фаолияти божхона соҳасида жиноятларнинг содир этилиши аҳволи ҳамда унга йўл қўйувчи сабаб ва шароитларни чуқур таҳлили асосида амалга оширилади. Ушбу фаолият божхона органларининг тезкор тузилмалари

томонидан олиб борилиб, уюшган жиноий гуруҳлар ва айрим жиноий шахслар томонидан контрабанда ва божхона соҳасига оид бошқа жиноятлар содир этилишини олдини олиш ва фош қилиш ҳамда ТҚФнинг бошқа вазифаларини бажаришга қаратилган.

Хорижий давлатлар қонунчилигидаги тажрибада эса, уларда жиноят процессининг ушбу босқичи алоҳида боб сифатида назарда тутилмаган бўлсада, ушбу масала миллий қонунчиликка нисбатан мукаммалроқ тартибга солинганлигига гувоҳ бўламиз, яъни терговга қадар текширув давомида ўтказилиши мумкин бўлган процессуал ҳаракатлар доираси кенгроқ ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Жиноятпроцессуал кодексига асосан терговга қадар текширув давомида амалга ошириш мумкин бўлган тергов ҳаракатларидан ташқари, Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодексига кўра, терговга қадар текширув давомида ҳужжатлар ва предметларни талаб қилиш ҳамда олиб қўйиш, текшириш учун намуналар олиш, гувоҳлантириш, юзлаштириш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга ҳам рухсат берилган [10]. Шунингдек, Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексига ҳам терговга қадар текширув босқичида ҳужжатлар ва предметларни талаб қилиб олиш, текшириш учун намуналар олиш, гувоҳлантириш, юзлаштириш, мурдани эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ҳам ўтказишга рухсат этилган [11].

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг янги Жиноятпроцессуал кодексини ишлаб чиқишда хорижий давлатлар қонунчилигидаги илғор тажриба ҳамда олимлар томонидан берилган фикрларни инобатга олган ҳолда қўйидагича такомиллаштириш мақсадга мувофиқ бўларди биринчидан, терговга қадар текширувни амалга оширувчи субъектларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари доирасини аниқ белгилаш, шунингдек терговга қадар текширувда қатнашувчи барча процесс иштирокчиларининг ҳуқуқий мақомини тартибга солиш;

иккинчидан, терговга қадар текширув суриштирув ва дастлабки тергов каби жиноят процессининг алоҳида босқичи ҳисобланишини инобатга олиб, мазкур институтни ЖПКда алоҳида боб сифатида тизимлаштирилган ҳолда тартибга солиш;

учинчидан, божхона органларининг суриштирув йўналишида фаолият кўрсатаётган ходимларни касбий тайёргарлик маҳоратини ошириш, уларни мутахассис даражасига етишлари учун божхона соҳаси бўйича ривожланган давлатларга ўқув-семинар машғулотларига юбориш ҳамда илғор тажрибаларни ўрганишни янада кўпайтирилса мақсадга мувофиқ бўларди.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – Т., 2016
2. 2021 йилда божхона органларида суриштирув ва маъмурий амалиёт йўналишида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот.
3. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги Академиясининг

АХБОРОТНОМАСИ. //– 2020 йил, 1(44)-сон

4. Сучков Ю.И. Защита внешне экономической деятельности Российской Федерации по уголовному законодательству (проблемный аспекты и законодательства). Дисс...докт. юрид. наук. – СПб, 1997.- С. 39
5. Сирма С.А. Борьба с организованной преступной деятельностью в сфере таможенного контроля (уголовно-правовой и криминологический аспекты): Дисс....канд. юрид. наук. – М., 1999-7, 124-125 с.
6. Чучаев А.И. Таможенные преступления в новом УК РФ / Чучаев А.И., Иванова С.Ю. // Государство и право. 1998. №11. – 41-43-с.
7. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018 йил 07/18/3723/1225-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги 18-сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. Lex.uz
10. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (18 декабря 2001г. №74-Ф 3).
11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь (16 июля 1999г. №295-3)
12. Абдуллаев А.Й., Ёлғон гувоҳлик беришга оид айрим масалалар // SIYOSATSHUNOSLIK, HUQUQ VA XALQARO MUNOSABATLAR JURNALI. 2022. № 1. С. 60-65.// [https:// sciencebox.uz/index.php/siyosatshunoslik/article/view/3916](https://sciencebox.uz/index.php/siyosatshunoslik/article/view/3916)